


“Ал-Ҳаким Ат-Термизий” мажмуаси - мамлакатимиздаги энг диққатга сазовор зиёрат туризми масканларидан биридир



Термиз тумани Ат-Термизий маҳалласи ҳудудида жойлашган “Ал-Ҳаким Ат-Термизий” мажмуаси нафақат республикамиз, балки бутун дунёдаги ислом динига эътиқод этувчи мамлакатларда машхур бўлган қадамжолардан бири ҳисобланади.

Бугун туман ҳокимлиги Ахборот хизмати туман Туризм ва спорт бўлими билан ҳамкорликда мажмуага пресс тур ташкил қилди. Пресс турда ижтимоий тармоқ фаоллари, ёшлар ва кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Бу мақбаранинг XI асрлик тақдири қадимий Термизнинг тарихи билан узвий боғланиб кетган. Шунинг учун ҳам ушбу гўзал маскан гарчи Термизнинг қадимий шаҳристони ўрни бўлса ҳам, Ҳаким ат-Термизий мақбараси жойлашган муқаддас зиёратгоҳ деб эътироф этилади.

